

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Наманган ХЭТК» АЖ

бош директор

А.Карабаев



2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271-сонли Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига асосан Наманган вилояти Туракургон туманида ташкил этилаётган «Ибрат» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/35/10 кВли юқори кучланишли подстанция қуриш учун лойха смета хужжатларига асосан қурувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1. Буюртмачи

«Наманган ХЭТК» АЖ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Акционерлик жамияти

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй

Бош директор:

А.Карабаев

1.2. «Наманган ХЭТК» АЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун Наманган вилояти Туракургон туманида ташкил этилаётган «Ибрат» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/35/10 кВли юқори кучланишли подстанция қўриб бериш хизмати билан 41 758 720 375 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271-сонли Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари

тўғрисидаги Қарорига асосан Наманган вилояти Туракургон туманида ташкил этилаётган «Ибрат» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/35/10 кВли юқори кучланишли подстанция қуриш учун лойха смета ҳужжатларига асосн қурувчи корхонани саралаш бўйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271-сонли Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига асосан Наманган вилояти Туракургон туманида ташкил этилаётган «Ибрат» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/35/10 кВли юқори кучланишли подстанция қуриш учун лойха смета ҳужжатларига асосн қурувчи қуриб бериш хизмати билан барча қолган ҳаражатлари ўз ҳисобидан бўлиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ушбу танлов ҳужжатлари бўйича қафолат хати (форма №2) ;
- Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот Ташкилотнинг ташкилий структураси;
- Давлат рўйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи ҳужжатлар нусхалари;
- Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот;
- Молиявий курсаткичлари;
- Шу соҳада бажарилган ишлар бўйича орттирилганиш тажрибаси;
- Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи;
- Иштирокчининг коррупциявий ҳолатларини олдини олиш тугрисидаги аризаси;
- Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот;
- Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20%гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги;
- Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома;

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим. 5

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271-сонли Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чоратадбирлари тўғрисидаги Қарорига асосан Наманган вилояти Туракургон туманида ташкил этилаётган «Ибрат» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/10 кВли юқори кучланишли подстанция қуриш учун лойiha смета хужжатларига асосан қурувчи корхонани саралаш бўйича</p>	<p>Бюртмачи талаби асосида</p>